Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ўзларининг бир хадиси шарифларида: «Ўлганларингизнинг яхшиликларини ёдга олинг, уларнинг ёмонликларини айтишдан тийилинг», деганлар (Абу Довуд ва Термизий ривояти). Бу набавий кўрсатма асрлар оша мусулмон умматининг ахлоки бўлиб келган ва ушбу хадисга биноан уламоларимиз вафот этган мусулмонларнинг яхшиликларини эслаб, ёмонликларини сўзлашдан тийилиш мусулмонлик бурчи ва ўтган мусулмоннинг хаккидир, деганлар.
Куни кеча Ўзбекситон Кахрамони, Ўзбекистон халк шоири Эркин Вохидов фоний дунёдан бокий дунёга сафар килди. Мархумнинг хакига жаноза ва тиловатлар адо этиб, хайрли дуолар килиб кайтдик. Аллох у кишининг Ўзига бўлган иймону ибодатларини, барча яхши амалларини ўзларига хамрох килиб, камчиликларини фазлу карами ила магфират айласин!
Мазкур хадиси шарифга кўра мархумнинг хакларидаги айрим хотираларимни сиз азизлар билан бахам кўргим келди.
Эркин Вохидов хакикатан хам халкнинг хакикий виждони бўла олган, мустабид тузум даврида хам жасорат билан ўз элини уйгокликка чорлаган дахолардан эди. У киши ўзбек адабиётида кескин бурулиш ясаган, уни бойитган, мумтоз шеъриятимизни замон рухида кайта жонлантирган чинакам халк шоири эди. Айникса, «Инсон» ва «Ўзбегим» касидалари ўзбек халкининг мадхиясига айланганди. У киши юртнинг озодлиги, халкнинг хуррияти учун гоявий кураша билган, мустаккиллик пойдеворига заррин гиштлар ўрнатган санокли адибларимиздан эди. Зеро, у киши диёнатимизнинг зилол булогидан сув ичган иймону эътикодли инсон, ўзбекнинг чин ўглони эди.
Устозимиз Шайх Мухаммад Содик хазратлари: «Адабиёт хамиша халкдан бир кадам олдинда, бир погона баландда бўлиши ва одамларни олдингга, юксаклик сари етаклаши керак. Мижозбозлик, чаппаквозлик килиб, оддий одамларнинг савиясига тушиб колиш ярамайди», дердилар. Эркин Вохидовнинг ижоди мана шу таърифга чин маънода хакли эди. Айникса, халкнинг дардини куйлаб, уни сергак торттириб, унга панд-ўгит килиб битган сатрлари беназир ва бетакрордир. Афсуски, бугун биз бундай шоирларни тополмаяпмиз.
Махалла фаолларининг гувохлик беришларича, Эркин Вохидовнинг ташаббуси махаллада жуда хам шинам бир масжид бунёд этилган экан. Бу хам у кишининг калбидаги иймон гавхарининг нишонаси, албатта. Аллох Ўз даргохида кабул килган бўлсин!
Эркин ака билан кўп учрашмаган бўлсам-да, ўша санокли сухбатларимизда у кишидан тинглаганларим ўчмас ёднома ўларок хотирамда сакланиб колган.
У киши ёш талабалик чогида Тошкентдаги тогасининг уйида истикомат килган экан. Тогаси эътикодли, ибодатли ва маърифатли киши бўлиб, замонанинг буюк олими, юртнинг жонкуяр фарзанди Алихонтўра Согуний рахматуллохи алайх билан кадрдон экан. Шу боис, Алихонтўра рахматуллохи алайх тоганинг хонадонига келиб, мехмон бўлар, у ерда кизгин илмий сухбатлар кечар экан. Эркин Вохидовнинг замона шоирларидан асосий фарки – у киши Хазрат Навоий рахматуллохи алайхдан кўп илхомланган ва таъсирланган эди. Ижодларидан Навоийнинг «бўй»и шундок анкиб турарди. Бир гал Эркин ака ана ўшандай навоийнамо газал битибди-ю, уни тогасига кўрсатибди. Тогаси газалнинг бир байтидан жуда завкланиб, уни Алихонтўрага айтиб берибди. Олим хам бу дур байтга катта бахо бериб, унинг ички маъноларини мулохаза

килар экан, уни ирфоний шаклда шархлаб кетибди. Даврага шоирнинг ўзини хам таклиф килишган экан, ёш йигит мезбон ўларок тогасининг ёнида ўтириб, берилаётган шархларни тинглаб бироз таниркабди. Ўзи нима килиб кўйганини билмаган шоир талаба тогасига аста пичирлаб: «Тога, лекин мен бунчалар чукур маъноларни ўйлмаган эдим», дебди. Шунда тогаси: «Жим ўтир, ёш бола нимани билардинг?! Аллох калбингга солган, ёзгансан, маъносини мана бундек олимлар чакади, сен каёкдан биласан?!» деган экан. Хакикатан, шеърнинг шунакаси хам бўлади.
Эркин ака айтади: «Бир-иккита амалдорлар билан Сочига (ёки Кисловодскига) дам олгани боргандик. Оёги огрийдиганларни сиххатгохда хар куни эрталаб соат еттида машк килдиришади. Машклар худди намозни эслатади, тизалаб юрилади. Биз ўша машкни килиб турсак, бир отахон келиб, кўлини кўланка килиб деразадан караб: «Шунинг ўрнига намоз ўкишсанг бўлмайдими, апандилар?» деган эди».
У кишининг лутфларидан яна бир намуна: «Авваллари Андижонга борсак, «хожи ака» деса, маълум бир одам тушуниларди. Хозир эса бошкача:
– Хожи акам кўринмайдилар?
– Ха, хожи акам хожи акам билан бирга хожи акамни кўргани кетиб колибди».
Бунга ўхшаш зарофатли гаплар у кишида жуда кўп экан. Ўзлари жуда хам камтар, дилбар инсон эди.
У кишининг тажрибаларидан: «Авваллари шеър ёзсак, шошилиб дарров чикариб юборарканмиз. Хозир эса илхом келганда ёзиб, бир четга ташлаб кўяман. Бир муддат ўтиб шеърлар анча тўпланиб колганда уларни бир четдан кўриб, яхшигина тахрир килиб, яна тортмага тахлаб кўяман. Кейин яна бир вактини килиб бир кур кайта кўриб чикаман. Шу зайлда шеърларим «тугилган»дан сўнг бир неча «ёшга тўлиб» халкнинг кўлига етиб бормокда».
Шундок кўз ўнгимда. Хазрат Навоийнинг ижодларига доир «Навоийдан чу топкайлар навое» номли китобчамизни устоз Эркин Вохидовга: «Фикр-мулохазаларингизни айтсангиз, камчиликлари бўлса, бажонидил тўгрилар эдик», деб узатдим. Китобнинг муковасида «Алишер Навоий» деган ёзув турарди. Шунда адиб ажойиб эхтиром кўрсатди: ўрнидан кўзгалиб, Хазрат Навоийнинг номларини ўпиб, китобни кўзларига, пешонасига суртди. У кишидаги улугларга бўлган бу кадар гўзал одобни кўриб, тўгриси, тахсинлар айтиб, тўлкинланиб кетдим. Эркин акага шеъру нафосатдан берилган насиба бекорга эмаслигини, «Замонамиз Навоийси» деган унвон бежизга муяссар бўлмаганини тушунгандек бўлдим ва Хазрат Наовийга бўлган мухаббат туфайлиданми Эркин акага бўлган мухаббатим хам зиёда бўлди.
Аллох таоло мархум шоиримизни Ўз рахматига олиб, жойларини жаннатдан килсин! Элимиз ичидан мумтоз адабиётимизга жон бахш этадиган, халкнинг дардига малхам бўладиган хакикий шоирлар яна чикишини насиб айласин!
Шу ўринда яна бир бетакрор шоиримиз мархум Мухаммад Юсуфнинг куйидаги тўртлиги ёдимизга тушади:

Ўлса ўзи ўлар, сўзи ўлмайди,
Хамиша бархаёт насл шоирлар.
Хакикий шоирнинг кабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.

Хасанхон Яхё Абдулмажид
1.06.2016